

**«HUDUDGAZTA'MINOT» АЖнинг
ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ВА ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИ СОҲАСИДАГИ
ТЕХНИК СИЁСАТИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)**

Тошкент 2022 й.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1 Атамалар ва таърифлар	3
2 Техник сиёсатни амалга оширишнинг мақсадлари, устуворликлари ва вазифалари.....	4
3 Энергияни тежаш ва энергия истеъмолини бошқариш тизимини ташkil этиш.....	7
4 Энергия самарадорлиги дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш.....	7
5 Ускуналарга қўйиладиган ва энг юқори энергия самарадорлигини таъминлайдиган техник талабларни белгилаш.....	8
6 Энергия ресурсларини сотиб олиш/етказиб бериш схемаларини оптималлаштириш.....	8
7 Энергия ресурсларини техник ҳисобга олишни ташkil этиш.....	8
8 Техник сиёсатни янгилаш.....	9
9 Техник сиёсатни қўллаш ҳақидаги ахборот.....	10
А илова (тавсиявий) Тавсия этиладиган энергетик самарадор ускуналар.....	11
В илова (мажбурий) 2022-2026 йилларда энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора- тадбирлар дастури.....	13
С илова (маълумот учун) 2022-2026 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш бўйича чора- тадбирларни амалга ошириш натижасида тежаладиган ёқилғи-энергетика ресурслари.....	16
Д илова (маълумот учун) Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO ₂) отқинларини камайтириш.....	18
Библиография.....	19

КИРИШ

«Hududgazta'minot» АЖнинг энергияни тежаш ва энергия самарадорлиги соҳасидаги техник сиёсати (концепцияси) (кейинги матнда - Техник сиёсат) - бу табиий газ таъминотининг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш ва газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш учун мавжуд ускуналарнинг энергетик самарадорлигини оширишга, яқин ва узоқ муддатли истиқболда атроф-муҳит ва иқлимга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган ҳужжатдир.

Техник сиёсат емирилган ва эскирган ускуналарни алмаштириш, «Hududgazta'minot» АЖ газ таъминотининг янги объектларини қуришда янги, илғор техник қурилмалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш, техник қайта жиҳозлаш, реконструкция ва модернизация қилишга оид чора-тадбирларни амалга оширишда устувор йўналишларни белгилайди ва уларни қўллашга оид тавсиялар беради.

Техник сиёсат амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган «Hududgazta'minot» АЖнинг ички ҳужжати ҳисобланади [1], [2], [3], [4].

Техник сиёсатни ишлаб чиқишда «Hududgazta'minot» АЖнинг норматив ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган [5], [6], [7].

1. Атамалар ва таърифлар

Техник сиёсатда қуйидаги атамалар ва уларга тегишли таърифлар қўлланилган:

энергия самарадорлиги кўрсаткичи: Ҳар қандай мақсад ёки технологик жараён маҳсулотлари учун энергия ресурсларини истеъмол қилиш ёки йўқотишнинг мутлақ, солиштира ёки нисбий қиймати.

ёқилғи-энергетика ресурслари (ЁЭР): Сақлаб қўйилган энергиялари ҳозирги техник ва технология ривожланиш даражасида иқтисодий фаолиятда фойдаланиш учун мавжуд бўлган табиий ва ишлаб чиқарилган энергия ташувчиларининг йиғиндиси.

энергетик текшириш: Фойдаланилаётган энергия ресурсларининг

ҳажми, энергия самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисида ишончли маълумот олиш, энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш мақсадида олинган натижаларни энергия паспортида акс эттириш орқали энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш.

иқтисодий самарадорлик: Олинган иқтисодий самаранинг, натижанинг ушбу натижага эришишга олиб келган ишлатилган ресурсларга нисбати билан ифодаланадиган иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва тадбирлар самарадорлигидир.

2. Техник сиёсатни амалга оширишнинг мақсадлари, устуворликлари ва вазифалари

Техник сиёсат «Hududgazta'minot» АЖнинг ривожланиш Стратегияси асосида истиқболда ишлаб чиқариш жараёнлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган газ тақсимлаш тармоқларининг асосий ривожланиш йўналишлари бўйича умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган [4].

Техник сиёсатни амалга ошириш учун «Hududgazta'minot» АЖ ўз олдига қуйидаги **стратегик мақсадларни** қўяди:

- газ тақсимлаш тармоқлари объектларида ғайриоддий вазиятлар юзага келиши хавфини камайтириш;
- кундалик ҳаётда газдан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш;
- истеъмолчиларга табиий ва суюлтирилган газни узлуксиз етказиб беришни таъминлаш;
- табиий газни газ тақсимлаш тармоқлари бўйлаб узатиш самарадорлигини ошириш;
- инновацияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш-диспетчерлик ва технологик жараёнлар самарадорлигини автоматлаштириш ва рақамлаштириш;
- материаллар ва ускуналар узлуксиз етказиб берилишини, импорт ўрнини босишини таъминлаш;
- атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши даражасини пасайтириш.

Техник сиёсатни амалга ошириш учун «Hududgazta'minot» АЖ қуйидаги

устувор йўналишларни белгилайди:

- газ тақсимлаш ва газ истеъмоли тармоқлари объектларини лойиҳалаш, қуриш, ишлатиш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатишнинг норматив-техник талаблари, технологиялари ва усулларини такомиллаштириш;

- газ тақсимлаш тармоқларининг техник ҳолати тўғрисида ишончли маълумотлар олинишини таъминлаш учун техник текшириш ва диагностика ўтказиш технологияларини такомиллаштириш;

- газ тақсимлаш тизимлари объектларининг техник ҳолатини баҳолаш ва диагностика ўтказиш, реконструкция қилиш ва тугатиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;

- амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ва ушбу талабларга мувофиқлиги баҳоланган замонавий ишончли материаллар ва ускуналардан фойдаланиш;

- ер ости газ тақсимлаш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишда кўпроқ полимер материаллардан фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш хавфсизлигини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

- истеъмолчиларни кундалик ҳаётда газдан хавфсиз фойдаланиш асослари тўғрисида хабардор қилишни ташкил этиш;

- уй ичидаги ва квартирадаги газ ускуналарига техник хизмат кўрсатиш бўйича фаолият самарадорлигини таъминлаш;

- газ тақсимлаш тизимлари объектларининг ишлаб чиқариш-диспетчерлик бошқаруви жараёнларини такомиллаштириш;

- газ ҳисобини юритиш жараёнларини такомиллаштириш;

- газ тақсимлаш ва газ истеъмоли тармоқларида технологик йўқотишларни камайтириш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва тежашни таъминлаш;

- янги технологиялар ва инновацион ускуналарни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда ходимлар профессионал тайёргарликдан ўтишларини таъминлаш;

- газ узатиш жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш, газ тақсимлаш

тармоқларини, маълумотлар узатиш тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш фаолиятига энергия тежаш бўйича самарали ускуналар ва технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

- атроф-муҳитга таъсирни минималлаштиришни таъминлайдиган ишларни амалга ошириш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- барча ишлаб чиқариш жараёнларида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида «Hududgazta'minot» АЖнинг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш.

Техник сиёсат вазифалари:

- «Hududgazta'minot» АЖ бизнес жараёнларида газ тақсимлаш тармоқлари объектларининг электр таъминоти тизимларида замонавий технологиялар ва ускуналарни қўллаш бўйича аниқ ечимлар бериш;

- энергия самарадорлигини оширишга доир фаолиятга нисбатан ягона талаблар ва ёндашувларни белгилаш;

- самарали бошқарув ҳамда инновацион технологиялар ва ускуналардан фойдаланиш асосида барча газ тақсимлаш тармоқларининг энергия самарадорлигини доимий оширишни таъминлаш;

- иссиқхона газларининг отқинларини камайтириш, атроф-муҳит ва иқлимга минимал таъсир кўрсатадиган ускуна ва технологиялардан фойдаланиш чораларини кўриш;

- энергетик балансда қайта тикланувчи манбалардан энергияни ишлаб чиқариш/истеъмол қилиш улушларини кўпайтириш;

- энергия самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий энергияни истеъмол қилувчи ускуналардан фойдаланиш;

- барча ишлаб чиқариш жараёнларида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида «Hududgazta'minot» АЖнинг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш.

3. Энергияни тежаш ва энергия истеъмолини бошқариш тизимини ташкил этиш

Техник сиёсат қоидаларини самарали амалга ошириш учун «Hududgazta'minot» АЖда энергия таъминоти ва энергия истеъмолини

бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича ишларни ташкил этиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Энергетик менежмент тизимини жорий этиш бошқарувнинг барча даражаларида турли функционал бирликларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди ва [6] ва [8] талабларига мувофиқ энергия самарадорлигини бошқаришнинг асосий жараёнларини тартибга солади.

4. Энергия самарадорлиги дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш

Энергия самарадорлигини ошириш соҳасида белгиланган мақсадларга эришиш учун энергия самарадорлигини ошириш Дастурлари (кейинги матнда - Дастурлар) ишлаб чиқилиши керак. Дастурларни шакллантириш, амалга ошириш ва бажарилишини мониторинг қилиш жараёнлари тартибга солинган [6].

Дастурнинг мақсадлари ташкилотларнинг энергетик текширувлари, энергетик менежмент тизимининг ташқи ва ички аудитлари, ўтган даврлар учун энергия тежаш Дастурларини амалга ошириш натижаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг прогнозлари асосида аниқланади.

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг иқтисодий самарасини миқдорий баҳолаш чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида тежалган энергия ресурслари миқдорини ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни аниқлашга асосланади.

Ҳар бир чора-тадбир учун устуворлик бутун ҳаёт даври учун ҳисобланган иқтисодий самарадорлик баҳолангандан кейин аниқланади.

Бизнес-режалар, техник-иқтисодий асосланиш/ҳисоб-китоблар (ТИА/ТИХ) ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иқтисодий самарадорликни баҳолаш инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш Методикасига мувофиқ қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

1. Лойиҳа бўйича пул оқимларининг келтирилган қиймати – PV.
2. Лойиҳанинг соф келтирилган қиймати – NPV.
3. Лойиҳа даромадлигининг ички нормаси – IRR.

4. Лойиҳанинг дисконтланган чиқимлар қопланиши даври – DPP.

5. Ускуналарга қўйиладиган ва энг юқори энергия самарадорлигини таъминлайдиган техник талабларни белгилаш

«Hududgazta'minot» АЖ газ тақсимлаш тармоғи объектларини янгидан қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш жараёнида ускуналарга қўйиладиган техник талабларни белгилашда ушбу Техник сиёсатда кўрсатилган ускуналар рўйхатига амал қилиш лозим.

6. Энергия ресурсларини сотиб олиш/етказиб бериш схемаларини оптималлаштириш

Энергия ресурсларини сотиб олиш/етказиб бериш схемаларини оптималлаштириш энергия ресурслари учун харажатларни камайтиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Харажатларни камайтиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- энергия таъминотининг сифати ва ишончлилигини сақлаш;
- ўз генерация объектларини қуриш, шу жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда;
- электр энергияси нархларининг ўзгаришига қараб сотиб олинган энергияни истеъмол қилиш ва ўз энергиясини ишлаб чиқариш режимларини бошқариш.

7. Энергия ресурсларини техник ҳисобга олишни ташкил этиш

Энергия ресурсларини техник ҳисобга олиш ресурслар сарфини ва уларнинг қайта тақсимланишини назорат қилишни таъминлайди.

Энергия ресурсларининг истеъмолини самарали техник ҳисобга олишни ташкил этиш учун қуйидаги тамойилларни қўллаш лозим:

- «Hududgazta'minot» АЖнинг ишлаб чиқариш объектларини жиҳозлашда энергия ресурсларини ҳисобга олиш тизимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳужжатлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак;

- ҳисобга олиш асбобларининг маълумотлари реал вақт режимида тақдим этилиши ва эҳтимолий оғишларни таҳлил қилишни ҳамда бошқарув қарорларини тезкор қабул қилишни таъминлаши лозим;

- истеъмолни бизнес-режалаштириш, энергия балансларини таҳлил қилиш, энергияни тежаш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, ишлаш режимлари ва ишлаб чиқариш дастурлари ўзгарганда энергия ресурсларининг солиштирма энергия самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзгаришини прогноз қилиш, шунингдек энергия ресурсларини тежаш чора-тадбирлари жорий этилишини назорат қилиш учун АТ-тизимларини, технологик маълумотларни таҳлил қилиш ва энергия ресурсларини режалаштириш тизимларини бирлаштириш.

8. Техник сиёсатни янгилаш

Техник сиёсат қуйидаги ҳолларда янгиланиши лозим:

- Техник сиёсатнинг мазмуни уни ишлаб чиқиш мақсадлари ва тамойилларига жавоб бермай қолган бўлса ва моддий-техник базанинг ривожланишига, фан ва техникада эришилган ривожланиш даражасига мос келмаса;

- Техник сиёсатда мавжуд бўлган технология ва ускуналар мавжуд бўлган энг яхши технологияни аниқлашда кўриб чиқилган мезонларга жавоб бермай қолса;

- Техник сиёсатнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчилик ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига ва «Hududgazta'minot» АЖнинг ички норматив ҳужжатларига жавоб бермай қолса.

Техник сиёсат уни умуман қайта кўриб чиқиш ёки бўлимларга алоҳида ўзгартиришларни ишлаб чиқиш йўли билан янгиланиши мумкин.

Техник сиёсатни қайта кўриб чиқиш камида 5 йилда бир марта амалга оширилиши керак.

9. Техник сиёсатни қўллаш ҳақидаги ахборот

Юқори энергетик самарадор объектларга тегишли ускуналар ва материаллар қуйидагиларга бўлинади:

- мажбурий - «Hududgazta'minot» АЖ объектларида қўлланилиши мажбурий бўлган синалган энергетик самарадор ускуналар;

- тавсиявий - «Hududgazta'minot» АЖ объектларида ҳозирда фойдаланилаётган ва фойдаланишга тавсия этилаётган илғор энергияни тежайдиган ускуналар;

- истиқболли - «Hududgazta'minot» АЖ объектларида яқин келажакда қўллай олишни ва қўлланувчанликни ошириш учун қўшимча ўрганишлар ва/ёки қўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган илғор энергияни тежайдиган ускуналар.

Бундан ташқари, «Hududgazta'minot» АЖ объектларида тегишли асосларсиз қўлланилиши тақиқланган ускуналарга бўлинади. Бундай ускуналар қаторига эскирган ускуналар, шунингдек энергетик самарадорлик нуқтаи назаридан қўлланилиши фойдасиз бўлган ускуналар ҳам киради. «Hududgazta'minot» АЖда улардан фойдаланишга фақат бунинг зарурати тегишлича асослаб берилганда рухсат этилади (энергияни тежайдиган ускуналардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, энергияни тежайдиган ускуналарни жорий этиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас ва ш.к.).

Қўллаш учун тавсия этиладиган энергияни тежайдиган ускуналар А иловада келтирилган.

2022-2026 йиллар учун энергияни тежаш ва энергия самарадорлиги бўйича чора-тадбирлар Дастури В иловада акс эттирилган.

2022-2026 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари (ЁЭР) сарфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ёқилғи-энергетика ресурслари қандай тежалиши С иловада берилган.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO₂) отқинларининг камайрилиши D иловада келтирилган.

А илова
(тавсиявий)

Тавсия этиладиган энергетик самарадор ускуналар

Электр таъминоти

Ускуналарнинг номи	Самара
Қайта тикланадиган энергия манбалари	Иссиқхона газларининг (ИГ) отқинларини камайтириш

Иссиқлик таъминоти

Ускуналарнинг номи	Самара
Қуёш коллекторлари	ИГ отқинларини камайтириш
Иссиқлик юкласини об-ҳавога қараб бошқариш тизими	Энергия истеъмолини камайтириш
Биоларнинг иссиқлик юкласини фасадга мувофиқ тартибга солиш тизими	Юқоридаги каби
Электр энергиясини, совуқликни, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш учун ортиқча газ босимида ишлайдиган детандер-генераторлардан фойдаланиш	Юқоридаги каби

Қозонхона ускуналари

Ускуналарнинг номи	Самара
Иссиқлик билан таъминловчи сув иситадиган қозонлар (фойдали иш коэффициентини (ФИК) камида 94%)	Энергия истеъмолини камайтириш. ИГ отқинларини камайтириш
Автоматлаштирилган горелка қурилмалари, ёниш жараёнини автоматлаштирилган назорат қилиш ва бошқариш тизимлари	Юқоридаги каби

Динамик ускуналар

Ускуналарнинг номи	Самара
Частотали-ростланувчи узатма, частотали-ростланувчи узатмали бошқариш станциялари	Энергия истеъмолини камайтириш
ФИК 87 % дан юқори бўлган компрессорлар	Юқоридаги каби
ФИК камида 85 % бўлган ўқдаги вентиляторлар	"
Электродвигателлар, қуввати қуйидагича: - 15 кВт гача, ФИК камида 91,8 %; - 15 дан 22 кВт гача, ФИК камида 92,2 %; - 22 дан 37 кВт гача, ФИК камида 93,7 %; - 37 дан 45 кВт гача, ФИК камида 93,9 %; - 45 дан 55 кВт гача, ФИК камида 94,3 %; - 55 дан 75 кВт гача, ФИК камида 94,7 %; - 75 дан 160 кВт гача, ФИК камида 95,1 %; - 160 дан 250 кВт гача, ФИК камида 95,5 %; - 250 кВт дан, ФИК камида 96 %	Энергия истеъмолини камайтириш

Ёритиш тизими

Ускуналарнинг номи	Самара
Электромагнитли ПРА ўрнига электрон ПРА	Йўқотишлар камаяди
Ўтказувчанлиги паст биноларда одам мавжудлиги ва ҳаракатланиши датчиклари. Ташқи ёритиш тизимларида фотореле	Энергия истеъмоли камаяди
Ёритишни бошқариш тизимлари	Юқоридаги каби
Камида 100 Лм/Вт ёруғлик чиқарадиган светодиодли лампалар	"
Камида 110 Лм/Вт ёруғлик чиқарадиган ДНаТ лампалар	"
Камида 90 Лм/Вт ёруғлик чиқарадиган МГЛ лампалар	"
Камида 270 Лм/Вт ёруғлик чиқарадиган светодиодли ёритгичлар	"

Табий газни тақсимлашда энергетик самарадор ускуналар

Ускуналарнинг номи	Самара
Модулли ГТП, ШТП, технологик ускуналарга хизмат кўрсатиш (жорий таъмирлаш) муддати 6-8 йилда бир мартадан кўпроқ эмас	Табий газ йўқотилиши камаяди. Иссиқхона газлари отқинлари камаяди
Газ узатишни тўхтатмаган ҳолда газ қувурларига уланиш ускуналари ва мосламалари	Юқоридаги каби
Янги газ тақсимлаш қувурларини қуришда ва эскиларини реконструкция қилишда шарли кранлардан фойдаланиш	"
ПЭ-80, ПЭ-100 маркали полиэтилен қувурлардан янги ер ости қувурларини қуриш	"
Табий газни тақсимлаш тармоқларининг герметиклигини текшириш учун замонавий сизиб чиқиш жойларини аниқловчи асбоблардан фойдаланиш	"
Беркитиш-тартиблаш арматураси учун тешикли (экспандирланган) политетрафторэтилендан (ПТФЭ) замонавий зичлатгич ва қистирма материаллардан фойдаланиш	"
Пўлат ер ости газ қувурларини ва цокол киришларини коррозиядан ҳимоя қилиш учун ишлатиш муддати давомли бўлган янги изоляция (ҳимояловчи) материаллардан фойдаланиш	"
Пўлат ер ости газ қувурларини ҳимоя қилиш учун "ПКЗ-АР", "СКЗ-УПК" турдаги янги авлод катод станцияларини ўрнатиш (ёки эскиларини алмаштириш)	Энергия истеъмоли камаяди

В илова
(мажбурий)

2022-2026 йилларда энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури
Таблица В.1

Тадбирнинг номи	Амалга ошириш механизми	Тадбирнинг (лойиҳанинг) қиймати (проекта), млн. сўм	Молиялаштириш манбаи			Амалга ошириш вақти	Кутилаётган натижа		
			шахсий воситалар	банк кредитлари	бошқа		табiiй газ, (млн. куб. м)	электр энергияси, (млн. кВт. соат)	нефть маҳсулотлари (тонна)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинадиган газ ҳажмини тежаш	Самарасиз газ горелкаларини замонавий қуёшли ва сув иситиш асбобларининг энергия тежайдиган қурилмаларига алмаштириш	900,00	+			III-IV чорак 2022 йил	6,01		
2. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш	Паст самарали ёритувчи электр лампаларини энергия тежайдиган лампаларга алмаштириш	65,70	+			III-IV чорак 2022 йил		0,156	
3. Автобензин ва дизель ёқилғисини тежамли сарфлаш	Дизель ва бензинда ишлайдиган автомобилларни сиқилган метанда ишлайдиган қилиб қайта жиҳозлаш	1161,70	+			III-IV чорак 2022 йил			130,53
Жами		343,10					6,01	0,156	130,53

В.1 жадвалининг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинадиган газ ҳажмини тежаш	Фаол турдаги сув иситувчи қуёш коллекторларини ўрнатиш (гелиотизим)	209,5	+			III-IV чорак 2023 йил	0,28		
2. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш	Қуёш батареялари асосидаги светодиодли лампаларни ўрнатиш	65,70	+			III-IV чорак 2023 йил		0,08	
3. Автобензин ва дизель ёқилғисини тежамли сарфлаш	Дизель ва бензинда ишлайдиган автомобилларни сиқилган метанда ишлайдиган қилиб қайта жиҳозлаш	67,90	+			III-IV чорак 2023 йил			19,67
Жами		343,10					0,28	0,08	19,67
1. Ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинадиган газ ҳажмини тежаш	Фаол турдаги сув иситувчи қуёш коллекторларини ўрнатиш (гелиотизим)	209,50	+			III-IV чорак 2024 йил	0,29		
2. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш	Қуёш батареялари асосидаги светодиодли лампаларни ўрнатиш	63,50	+			III-IV чорак 2024 йил		0,07	
3. Автобензин ва дизель ёқилғисини тежамли сарфлаш	Дизель ва бензинда ишлайдиган автомобилларни сиқилган метанда ишлайдиган қилиб қайта жиҳозлаш	60,30	+			III-IV чорак 2024 йил			18,95
Жами		333,30					0,29	0,07	18,95

В.1 жадвалининг охири

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинадиган газ ҳажмини тежаш	Фаол турдаги сув иситувчи қуёш коллекторларини ўрнатиш (гелиотизим)	209,5	+			III-IV чорак 2025 йил	0,28		
2. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш	Қуёш батареялари асосидаги светодиодли лампаларни ўрнатиш	60,5	+			III-IV чорак 2025 йил		0,07	
3. Автобензин ва дизель ёқилғисини тежамли сарфлаш	Дизель ва бензинда ишлайдиган автомобилларни сиқилган метанда ишлайдиган қилиб қайта жиҳозлаш	57,5	+			III-IV чорак 2025 йил			16,68
Жами		327,5					0,28	0,07	16,68
1. Ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинадиган газ ҳажмини тежаш	Фаол турдаги сув иситувчи қуёш коллекторларини ўрнатиш (гелиотизим)	209,50	+			III-IV чорак 2026 йил	0,26		
2. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш	Қуёш батареялари асосидаги светодиодли лампаларни ўрнатиш	60,50	+			III-IV чорак 2026 йил		0,07	
3. Автобензин ва дизель ёқилғисини тежамли сарфлаш	Дизель ва бензинда ишлайдиган автомобилларни сиқилган метанда ишлайдиган қилиб қайта жиҳозлаш	55,70	+			III-IV чорак 2026 йил			14,51
Жами		325,70					0,26	0,07	14,51

С илова
(маълумот учун)

2022-2026 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари (ЁЭР) сарфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида тежаладиган ёқилғи-энергетика ресурслари

С.1 жадвали

ЁЭР номи	Чора-тадбирларни амалга оширишдан олдин бўлган эҳтиёж	Чора-тадбирларни амалга оширишдан кейин бўлган эҳтиёж	Кутилаётган иқтисод	
1	2	3	4	
2022 йил				
1. Электр энергияси	минг кВт. соат	минг кВт. соат	минг кВт. соат	млн. сўм
	11200,00	11044,00	156,00	70,20
2. Мотор ёқилғиси	тонна	тонна	тонна	млн. сўм
	7733,53	7603,00	130,53	622,96
3. Табиий газ ўз эҳтиёжлари учун	млн. м ³	млн. м ³	млн. м ³	млн. сўм
	400,01	394,00	6,01	13,61
2023 йил				
1. Электр энергияси	минг кВт. соат	минг кВт. соат	минг кВт. соат	млн. сўм
	11234,23	11154,23	80,00	36,00
2. Мотор ёқилғиси	тонна	тонна	тонна	млн. сўм
	7605,00	7585,33	19,67	108,48
3. Табиий газ ўз эҳтиёжлари учун	млн. м ³	млн. м ³	млн. м ³	млн. сўм
	394,00	393,72	0,28	0,63

С.1 жадвалининг охири

1	2	3	4	
2024 йил				
1. Электр энергияси	минг кВт. соат	минг кВт. соат	минг кВт. соат	млн. сўм
	11112,00	11042,00	70,00	31,50
2. Мотор ёқилғиси	тонна	тонна	тонна	млн. сўм
	7585,00	7566,05	18,95	107,45
3. Табиий газ ўз эҳтиёжлари учун	млн. м ³	млн. м ³	млн. м ³	млн. сўм
	393,70	393,41	0,29	0,66

Окончание таблицы

2025 йил				
1. Электр энергияси	минг кВт. соат	минг кВт. соат	минг кВт. соат	млн. сўм
	11091,25	11021,25	70,00	31,50
2. Мотор ёқилғиси	тонна	тонна	тонна	млн. сўм
	7567,00	7550,32	130,53	96,45
3. Табиий газ ўз эҳтиёжлари учун	млн. м ³	млн. м ³	млн. м ³	млн. сўм
	393,40	393,12	0,28	0,63
2026 йил				
1. Электр энергияси	минг кВт. соат	минг кВт. соат	минг кВт. соат	млн. сўм
	11068,50	10998,50	70,00	31,50
2. Мотор ёқилғиси	тонна	тонна	тонна	млн. сўм
	7551,00	7536,49	14,51	85,18
3. Табиий газ ўз эҳтиёжлари учун	млн. м ³	млн. м ³	млн. м ³	млн. сўм
	393,10	392,84	0,26	0,59
<i>Изоҳ: Газ тақсимлаш тармоқларига етказиб бериладиган газ ҳажми ўзгарганда, ЁЭРни истеъмол қилиш ҳажмлари ўзгаради</i>				

Д и л о в а
(маълумот учун)

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO₂) отқинларини камайтириш

Чора-тадбирнинг номи	Кутилаётган иқтисод	Кутилаётган CO₂ отқинларининг камайиши, т
<p>1. Ёқилғи газни тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO₂) отқинларини камайтириш, жами минг м³, шу жумладан:</p> <p>2022 йил</p> <p>2023 йил</p> <p>2024 йил</p> <p>2025 йил</p> <p>2026 йил</p>	<p>7120,0</p> <p>6010,0</p> <p>280,0</p> <p>290,0</p> <p>280,0</p> <p>260,0</p>	<p>13505,52</p> <p>11400,1</p> <p>531,12</p> <p>550,1</p> <p>531,12</p> <p>493,18</p>
<p>2. Электр энергияни тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO₂) отқинларини камайтириш, жами (минг кВт. соат), шу жумладан:</p> <p>2022 йил</p> <p>2023 йил</p> <p>2024 йил</p> <p>2025 йил</p> <p>2026 йил</p>	<p>446,0</p> <p>156,0</p> <p>80,0</p> <p>70,0</p> <p>70,0</p> <p>70,0</p>	<p>89,5</p> <p>31,4</p> <p>16,1</p> <p>14,0</p> <p>14,0</p> <p>14,0</p>
<p>3. Нефть маҳсулотларини тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига иссиқхона газлари (CO₂) отқинларини камайтириш, жами т, шу жумладан:</p> <p>2022 йил</p> <p>2023 йил</p> <p>2024 йил</p> <p>2025 йил</p> <p>2026 йил</p>	<p>200,34</p> <p>130,53</p> <p>19,67</p> <p>18,95</p> <p>16,68</p> <p>14,51</p>	<p>631,0</p> <p>411,1</p> <p>61,96</p> <p>59,69</p> <p>52,54</p> <p>45,71</p>

Библиография

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.
- [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сонли «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
- [4] «Hududgazta'minot» АЖ Бошқарув Раиси Б.Б. Эшмуратов томонидан 07.03.2022 йилда тасдиқланган ««Hududgazta'minot» АЖ газ тақсимлаш тизимини ривожлантириш стратегияси».
- [5] НГТН 28897598-09:2022 – «Hududgazta'minot» АЖнинг ресурсларни сарфлаш, ускуналардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш захираларини шакллантириш нормалари ва нормативлари тизими. Асосий қоидалар.
- [6] НГТН 28897598-13:2022 «Hududgazta'minot» АЖда энергия тежашни бошқариш тизими.
- [7] НГТН 28897598-14:2022 «Hududgazta'minot» АЖ ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчисининг Энергетик паспорти.
- [8] ISO 50001:2018 халқаро стандарти – Энергетик менежмент тизими.